

"Онлайн омонат" оферта шартномаси

Ушбу шартнома "Agrobank" акционерлик тижорат банки (бундан буён матнларда "Банк" деб номланади) ҳамда тизим иштирокчиси булган жисмоний шахс (бундан буён матнларда "Мижоз" деб номланади) ўртасида электрон шаклда тузилди.

Шартнома буйича ҳисобварақлардан амалга ошириладиган амалиётлар ва олинадиган маълумотлар жисмоний шахслар учун "Масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими" (бундан буён матнларда "AgrobankMobile" деб номланади) орқали амалга оширилади.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк мазкур шартномага асосан Мижознинг бўш пул маблағини нақд пулсиз шаклда "Онлайн омонат" ҳисобварағига қабул қилади ва шартномада назарда тутилган шартлар асосида ҳисобварақдаги маблағни қайтариш ва унга фоиз тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Банк "Онлайн омонат" ҳисобварағидаги маблағ учун фоизларни маблағ ҳисобвараққа тушган куннинг эртасидан бошлаб, ҳисобварақдаги маблағни Мижозга қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра унинг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ҳисобланади.

1.3. Мижоз "Онлайн омонат" ҳисобварағидаги маблағларини ва унга ҳисобланган фоизларни Тизим орқали нақд пулсиз шаклда тасарруф этади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Мижознинг мажбуриятлари

2.1.1. Масофадан туриб мобил "Онлайн омонат" ҳисобварағи очиш учун " Agrobank" АТБ томонидан муомалага чиқарилган пластик картага эга бўлиши ва Тизимдан рўйхатдан ўтиши;

2.1.2. "Онлайн омонат" ҳисоб рақами очиш учун мижоз пластик картасига етарли маблағни шакллантириши лозим;

2.1.3. "Онлайн омонат" ҳисобварағи орқали барча амалиётларни банк иш кунида соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача амалга оширади;

2.1.4. "Онлайн омонат" ҳисобварағидан амалиётларни амалга ошириш давомида Тизимдаги узилишлар ёки техник носозликлар натижасида ноаниқликлар юзага келганда зудлик билан Банкнинг "Жамғарма операциялар ва чакана тўловлар бошқармаси"га хабар бериш;

2.1.5. Тизимга боғланиш учун берилган **Парол**ни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик;

2.1.6. **Парол**ни унутиб қўйганда қайта тиклаш учун "AgrobankMobile" мобил иловасини қайта юклаб олади ҳамда қайтадан рўйхатдан ўтади;

2.1.7. Мобил алоқа ёки интернет тармоғи орқали банк амалиётларини бошқа шахслар иштирокисиз ёки кузатувисиз амалга ошириши;

2.1.8. Шартноманинг 4.2-банди бўйича шартноманинг амал қилиш муддатини назорат қилиши.

2.2. Банкнинг мажбуриятлари

2.2.1. Мижознинг электрон аризаси билан "Онлайн омонат" ҳисобварағи очиш;

2.2.2. Мижознинг электрон топшириғига асосан тегишли банк амалиётларини бажариш;

2.2.3. Шартнома шартларига асосан Мижознинг "Онлайн омонат" ҳисобварағидаги маблағига фоиз ҳисоблаш ва шартномада белгиланган муддатда фоизларни тўлаш;

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Мижознинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тизим орқали ўзининг депозит ҳисобварағидаги маблағларини эркин тасарруф этиш;

3.1.2. Депозит ҳисобварақлари айланмаси тўғрисида маълумот олиш.

3.2. Банкнинг ҳуқуқлари

3.2.1. Мижоз томонидан шартноманинг шарти бузилган тақдирда ҳисобланган ва тўланган фоизларни шартномада белгиланган миқдорда қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ҳисобварақдаги қолдиғидан чегириб қолиш;

3.2.2. Шартноманинг муддати тугаган кунда "Онлайн омонат" ҳисобварағидаги маблағларни ва унга ҳисобланган фоизларни Мижознинг 22618..500 пластик картасига йки қайта расмийлаштириш автоматик равишда амалга оширилади;

3.2.3. Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан Мижоз ҳисобварағи хатланганда, Банк томонидан ҳисобварақ орқали амалиёт бажариш тўхтатилади. Мижознинг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида Банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоиз ҳисобламайди.

4. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

| | | |
|------|--|--|
| 4.1. | Шартноманинг амал қилиш муддати | () ой |
| 4.2. | Шартнома муддатининг охирги санаси | « » 20__ йил |
| 4.3. | Шартнома бўйича йиллик фоиз ставкаси | () фоиз. |
| 4.4. | Шартнома шартларини Мижоз хоҳишига кўра бузилганда белгиланган йиллик фоиз | () фоиз. Талаб қилиб олгунча миқдорда фоиз ҳисоблаш |
| 4.5. | Ҳисобвараққа кўшимча маблағ кирим қилиш имконияти | / (Мавжуд / Мавжуд эмас) |
| 4.6. | Ҳисобварақдан қисман маблағ чиқим қилиш имконияти | / (Мавжуд / Мавжуд эмас) |
| 4.7. | Ҳисобланган фоизларни тўлаш тартиби | Ҳар ойда миждознинг хоҳишига биноан П/К ўтказиш ёки капитализация қилиш. |
| 4.8. | Шартнома тузиш учун шакллантирилиши лозим бўлган маблағ миқдори. | () . (сумма рақам ва сўз билан) |

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тарафлар ушбу Шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар бўладилар.

5.2. Мижоз ҳисобвараққа кирим қилинган маблағларни қонунийлигига шахсан жавобгардир.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома тузилганган кундан бошлаб шартноманинг 4.2-бандида белгиланган муддатгача амал қилади.

6.2. Мижоз Шартномани муддатидан аввал бекор қилиши мумкин. Бунда ушбу шартнома шартлари бузилган ҳисобланади ва тўланган фоизлар депозит думмасидан чегириб олинади.

7. МАХФИЙЛИК

7.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида Тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

7.2. Омонатлар бўйича ахборот билан танишиш ҳуқуқи бўлган шахслар амалдаги қонунчиликка мувофиқ уларни ошқора қилмаслик учун жавобгар ҳисобланади ҳамда қатъий сир сақлаш қоидаларига риоя этишлари, шунингдек, банк сири ва конфеденциал маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этишда Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” Қонуни ва банкда амалда бўлган ички тартиб қоидаларига қатъий амал қилишлари шарт.

Мазкур талаб номуайян муддатга амал қилади.

7.3. Ушбу талабларни бузган Тараф бунинг оқибатида иккинчи Тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда Тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича узаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

8.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар Тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

9.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган Тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи Тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

9.3. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Суд орқали ҳал этилади.

(Ушбу оферта шартнома тизим орқали электрон шаклда тасдиқланади)